



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

Эркин нархда сотилади

www.th.uz

«БАРКАМОЛ АВЛОД» СПОРТ ҲАҚИҚАТИ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

Кадрли фарзандларим!

Авваламбор, мамлакатимизнинг узоқ ва яқин худудларидан келган, ҳақиқатан ҳам юртимиз баркамол авлодини эркин вакиллари бўлган сиз, азиз болаларимни, бугунги спорт анжуманининг очилиш маросимини қатнашадиган барча-барчангизни бағримга босиб, ўзимнинг юксак меҳрини ва ишончимни билдиришдан бахтиёрман.

Сизларнинг юксак нуфузи "Баркамол авлод" спорт уйинларида қатнашиш учун ўз куч ва маҳоратингизни намойиш этиб, қанчадан-қанча кескин кураш ва синовлардан ўтганингизни, бугун қалбингиздан, юрагингиздан кечаётган ҳаяжонли туйғуларни мен ахши тасаввур қиламан ва ўзимни бамисоли сизлар билан мана шу гўзал майдонда тургандек ҳис этаман.

Биз юртимизда ҳеч қимдан кам бўлмайдиган эркин демократик жамият қуриш учун кенг қўллади вази-фаларни ҳал этишга қодир бўлган, ҳам жисмоний, ҳам маънавий етук, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбия топган авлодни вояга етказишни ўз олдимизга юксак мақсад қилиб қўйганмиз.

Мана шу эзу мақсадга эришиш, фарзандларимизнинг ўз ақл-заковати ва истеъдодини тўла намойиш этиши, уларни бугунги ва эртанги ҳаёти-мизнинг ҳал қилувчи кучига айлантириш учун ҳеч нарсага аямасдан, куч ва имкониятларимизни сафарбар этиб, қандай улкан ишларни амалга ошираётганимизга барчангиз гувоҳисиз.

Бугун юртимизда минг-минглаб ота-оналар, устоз-мураббийлар ҳам айнан шундай оруз-ҳавас, айнан шундай интилиш билан сизларни баркамол инсонлар этиб тарбиялаш мақсадида қалб қўри, бутун борлигини бағишлаб меҳнат қилмоқда.

Ишончим комилки, сизлар эл-юртимизнинг мана шундай юксак этибори ва ишончини, эзу оруз-ниятларини рўйбга чиқариш учун доимо муносиб бўласизлар, азиз болаларим.

Ҳеч шубҳасиз, бугун бепойб қорақалпоқ заминидан, азим Жайхун соҳилларида ўтказилаётган "Баркамол авлод" уйинлари мамлакатимиз ёшлари ҳаётида, спортимиз тарихида яна бир эркин саҳифа бўлиб қолади.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти.



БУГУН қорақалпоқ диёри чинакам байрам нафаси. ва шукуҳи билан шашмоқда. Пойтахт Нукусни айланаси, Тахياتош шаҳри ёки Хўжайли, Кейгайли туманларида бўласи, ҳамма жойда байрам кайфиятини ҳис этасиз. Чунки, мамлакатимиз ёшларининг уч босқичли спорт тизимининг иккинчи бўғини бўлиши "Баркамол

авлод" спорт мусобақаларига айнан Қорақалпоғистон Республикаси мезбонлик қилмоқда. Бугун янгича қиёфа касб этган Нукус шаҳрида мазкур мусобақаларнинг ташкилотчи очилиш маросими бўлиб ўтди. Хабарингиз бўлса, бундан уч йил олдин "Баркамол авлод" уйинлари вилоятимизда ўтказилган эди. Ҳақиқатан спорт,

дўстлик ва бирдамлик байрами кучли қаторида бизнинг спортчиларга ҳам омад келтирди. Вакилларимизнинг умумжамоа ҳисобида фахрли ўринни эгаллашгани барчамизни тўққизлаштириб юборди. Шундан сўнг мусобақа эстафетасини қорақалпоқ ёшлари қабул қилиб олишди.

ЁШЛИК ФАСЛИНИНГ НАФОСАТ АЙЁМИ

Кўёш" илмий ишлаб чиқариш бирлашмасида бўлиб ўтган тадбирда Ўзбекистон Мудофаасига қўмаклашувчи "Ватанларвар" ташкилоти, Республика техник ва амалий спорт турлари маркази, тегишли вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари, талаба ёшлар, спортчилар ҳамда санъаткорлар иштирок этди.

Маросим бўлиб ўтадиган майдон байрамона руҳда безатилган. Ватанимиз байроғи, Ўзбекистон спортчиларининг буюк галабаларига бағишланган паннолар, дўстлик, биродарлик, ҳамжиҳатлик, спорт ва ватанпарварликни улуғловчи шюрлар осилган. Давлатимиз мадҳияси янгради. Кўёш нурларидан аланга олган "Баркамол авлод - 2008" машъаласини кемамодел буйича ҳажон чемпиони Шавкат Исмаилов ракета ракетамодель буйича ҳамда чемпиони Константин Балахонов майдонга олиб кирди. Улар машъалани энгил атилетика буйича Қорақалпоғистон Республикаси чемпиони, Қорақалпоқ давлат университети ҳузуридаги академик лицей ўқувчиси Жаҳсон Жалиловга тантанали суръатда топширдилар. Машъала Қорақалпоғистон сари йўл олди. Бугун эса у белгиланган манзилга етиб келди.

Мазкур мусобақаларга ҳар томонлама пухта тайёргарлик қўрди, - дейди вилоятимиз терма жамоаси бош мураббийи Рустам Бобоқуллов. - Барча саралаш босқичларидан сўнг 114 нафар маҳоратли, умидли ва таҳрибли спортчилар таркибига қабул қилинди. Биз миллий ва белбоғли кураш, шахмат, қўл тўти ҳамда баскетбол турлари буйича вакилларимизнинг фақат юқори погоналарини эгаллашларига катта ишонч билан қараямиз.

Мамулумотларга қараганда, мусобақаларнинг саралаш босқичларида мамлакатнинг 700 миңдан зиёд ўил-қизлари иштирок этган. Республика миқёсидagi сўнгги босқичга эса 1596 нафар спортчилар етиб келди. Энди улар спортнинг 12 тури, яъни баскетбол, футбол, кураш, стол тенниси, белбоғли кураш, волейбол, теннис, шахмат, сузиш, энгил атилетика, бадий гимнастика ҳамда қўл тўти буйича ўзаро баҳс олиб боришади.

Дарвоқе, бу сафар мусобақаларни ўтказиш Низомига бир қанча ўзгаришлар киритилган. Чунки спорт уйинлари дастуридан бокс, мини футбол ҳамда оғир атилетика мусобақалари олиб ташланди. Илгарилари ҳар бир вилоятнинг баскетбол жамоаси таркибида 10 нафар спортчи баҳсга киришарди. Бу йилдан эса 2 тага қисқариб, 8 киши қолдирилди. Футбол жамоалари таркибида

ҳам ўзгариш кузатиляпти. Авваллари 16 нафар чарм тўп усталари майдонда тўп суришган бўлишса, энди 14 футболчи майдонга тушади.

Энгил атилетикачиларимизнинг жаҳон ареналирига дадил қадамлар билан кириб боришларида "Баркамол авлод" мусобақалари мустаҳкам кўприк вазифини ўтапти, - дейди энгил атилетика буйича терма жамоаси бош мураббийи Владимир Смирнов вакилларимизни мусобақаларга кузатиш маросимидан. - "Кичик олимпиада" бизга шода-шода медалларни келтириш билан бир қаторда жамоани тўғри шакллантириш, уларни бир мақсад атрофида жишлаштириш, қолверса ҳар қандай ҳолатда ҳам мардонор курашишга ўргатапти.

Вилоят ҳоқими вазифинини бажаруви Зиевуддин Ниёзов бошчилигидаги ҳоқимлик ва жамоатчилик вакиллари терма жамоамиз аъзоларини олис Нукус шаҳрига кузатишар экан, уларга мусобақалар давомида қўлларни баланд келиш, шохсупанинг юқори погоналарини эгаллашларига умид билдиришди.

Мусобақаларга отлансам, кичкина укам доим менга эргшиб, йилгаб қолади. "Мени ўзингиз билан оқингиз, медалларингиз кўпайиб кетса, мен ҳам буйимга илиб келаман", дея хархаша қилгани-қилган. Шунда мен спортни у қадар тўшунмайдиган мана шу кичкинтой галаба қилиш кераклигини айтиб турганидан кейин нега мен ютқузис қайтишим керак, дея ўйланиб қоламан. Укамнинг мана шу хархашаси ҳам менга катта куч бағишляпти, - дейди қўл тўти буйича терма жамоасини вакили, Доҳода ўтказилган Осиё ўйинлари совриндори Алина Сухапласова.

Дарҳақиқат, бугун бутун мамлакатимиз ёшлари қатори вилоятимиз йилги-қизларининг ҳам ҳаяжон кечис, аллақачон нуфуз ва этибор қозониб улгурган спорт уйинларидан умидлари катта. Ишончимиз комилки, Паркентдан аланга олган "Баркамол авлод" машъаласи улар йўлини ёритиб, шукуҳли галабаларга бўлган ишонч ва қатъиятларини тобляпти.

Хуришда НАЗАРОВА,
«Тошкент ҳақиқати» муҳбири.

СУРАТЛАРДА: машъала ёқиш ҳамда спортчиларни кузатиш маросимидан лавҳалар.

Еркебой БОТМОНОВ олган суратлар.



АНЖУМАН МАДАНИЙ ЁДГОРЛИКЛАР — БЕБАҲО МЕРОСИМИЗ

ВИЛОЯТ ҳоқимлигида "Маданий ёдгорликларни асраб-авайлашда сиёсий партиялар, фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш идоралари ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотларининг роли" мавзусида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, сиёсий партиялар, маҳаллий ҳоқимият идоралари, туман ва шаҳар маданият бўлимлари раҳбарлари, бир қатор олимлар ва ўшбу соҳа мутахассислари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.

Конференцияда мамлакатимизда маданий ёдгорликларни сақлаш, таъмирлаш, авлодларга унинг тарихийлик қийматини йўқотмаган ҳолда етказишга қаратилган давлат сиёсати амалга ошириляётганини эътироф этилди. Ёдгорликларни тўлиқ сақлаган ҳолда келгуси авлодларга етказиш учун чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Шунингдек, маданий ёдгорликларни қайта тиклаш орқали хорижий туристлар этиборини жалб қилиш буйича тақлифлар билдирилди. Маданий иншоотларни сақлаш зарурлигини кенг жамоатчиликка тушунтиришда маҳаллий ҳоқимият, сиёсий партиялар, фуқаролар йиғинлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятини янада кучайтириш зарурлиги айтиб ўтилди. Соҳага оид қонунчиликни янада такомиллаштиришда сиёсий партиялар фаолиятини таъминлаш ҳамда бу жалигини таъминлаш ташаббусларини янада оширишда нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятининг аҳамияти катта эканлиги таъкидланди.

Жамбул ҚУРБОНБОВЕВ.

ТАДБИРКОРЛИК

ТАДБИРКОРЛИК ҳаракати мамлакатни иқтисодий ривожлантиришда қудратли қанотга айланиб бораётди. Маълумки, давлатимиз раҳбари Вазирилар Маҳкамасининг 2007 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ақдлари ва 2008 йилда иқтисодий ислохотларни чуқур йўналишларига бағишланган мажлисида билдирган фикр-мулоҳазалар, йўл-йўриқлар уни янада маддаллаштириши керак.

КИЧИК БИЗНЕС БУГУН ВА ИСТИҚБОЛДА

Хўш, бу вазибалар қандай амалга ошириляпти? Белгиланган дастурий режалар барқарор баҳарилантиряптими? Юртобшомиз қўйган вазибалар асосида кичик бизнесни ривожлантиришнинг яна қандай истиқболли имкониятлари бор?

— Бу борадаги режаларнинг қўллади ниятда кенг, - дейди вилоят монополиядан қичариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Мухтор Мамадалиев. — Ўтган ойлари яқунлари шуни кўрсатмоқдаки, вилоятимизда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш иқтисодийёта ривожлантириш суратларидаги барқарорликни таъминламоқда, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳамжлари ортиб бораётди. Бу фикрнинг далили сифатида баъзи рақамларни келтириш мумкин. Шу йилнинг биринчи чораги давомида вилоятимиз шаҳар ва туманларида 1793 та янги кичик бизнес субъектлари ташкил этилди.

бу борадаги режа 21,3 фоиз ошириб баҳарилди. Шунинг натижасида кичик бизнес корхоналари ва хусусий тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ялли худудий маҳсулотларнинг 36,4 фоизини ташкил этди.

Тахлиллар шуни кўрсатмоқдаки, бу улуси саннат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш соҳаларида, айниқса, барқарор ортиб бораётди. Бу хўжалик субъектлари ишлаб чиқаришга тобора кўпроқ сармоя киритаяптилар. Чунки, бу борадаги кўрсаткич дастлабки уч ойдаёқ 5,3 фоизга ошди.

Яна бир жиҳат диққатга сазовор. Бу — фаолият кўрсатмаётган кичик бизнес корхоналари йил сайн камайиб бораётганига даимоён бўляпти. Чунки, биринчи чоракда бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 9,8 фоиз камайишига эришилди.

Биз банкорт деб эътироф этилган корхоналар негизда кичик бизнес

субъектларини ташкил этиш ва қисқа муддатда ишга тушириб юборишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, Оҳангарон шаҳридаги "Темирбетон маҳсулотлари" корхонаси негизда 3 та — сантехника буюмлари ишлаб чиқарувчи "Зерлу пласт", шифер маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи "Голд шифер", резина маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи "Руббер прудешин" кичик корхоналари ташкил қилинди. Анградаги "Техтаъминот" корхонаси сармоядорлар томонидан таъмирланаяпти. Тўйтепа автобус-такси саройи негизда кичик хусусий тадбиркорлик корхонаси ташкил этилиб, қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқарила бошланди. Шу сингари сайъ-ҳаракатлар туфайли кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида уч ойда 9265 та янги иш ўрни барпо этилди.

(Давоми 2-бетда).

«Ўзбеккўмир»: ЁКИЛДИ УЧ БАРАВАР КЎПЛЯДИ

ЖАҲОНДА ёқилги ресурслари билан ўзини ўзи таъминлайдиган мамлакатлар кўп эмас. Ўзбекистон — мустаҳкам ёқилги мустақиллигига эришган ана шу санокли мамлакатлардан бири. Газ ва бошқа табиий ресурслар захираларининг мўллиги жиҳатидан мамлакатимиз Марказий Осиё минтақасида етакчилардан ҳисобланади.

Аммо, дунё миқёсида тинимсиз давом этадиган ижтимоий-иқтисодий тараққиёт, беистисно, ҳамма мамлакатларга ўз таъсирини ўтказди, янги-янги вазибаларни кун тартибига қўяди. Бунга эътиборсизлик билан қараш ривожланишдан ортда қолишига олиб келади. Жумладан, йигирма биринчи аср бо-

шида дунё юзини кўрган янги, энг замонавий технологиялар нефт ва газга асосланган ёқилги балансини кўмирга ўтказиш заруратини тақозо этмоқда. Бугунги кунда электр ва бошқа энергия турларини ишлаб чиқаришда кўпроқ кўмирдан фойдаланишга интилиш кузатишмоқда. Уэўзидан равшанки, бундай

вазиятда мамлакатнинг кўмир қазиб чиқариш тармоғини ривожлантириш ва кенгайтириш талаб этиляди.

Хўш, "Ўзбеккўмир" очик ақциядорлик жамиятининг "Ангра" разрезиди бу масала қандай ҳал этилмоқда? Даврининг ўзи қўндаланг қўяётган давлат аҳамиятига моллик бу вазибани удралаш учун қандай аниқ-тайин чора-тадбирлар амалга ошириляпти?

Авалло, шуни таъкидлаш жоизки, "Ангра" разрезиди нафақат вилоят, балки республика иқтисодийётида ўзига хос ўринга эга кор-

хона сифатида 60 йиллик бой тажрибага эга. Бинобарин, йиллар давомида ортирилган ана шу салохият давр тақозо этаётган ўзгариш ва янгиликларини тезу соз амалга оширишда жуда қўл келаяпти. Кўмир қазиб олиш сурьатларини мутаносиб ҳолда ва барқарор қўпайтириб бориш мақсадида кейинги йилларда ҳам разрезни, ҳам унинг ёрдамчи бўлиналарини техник ва технологик жиҳатдан қайта қуроллантириш дастури изчил амалга оширилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

Хотира — муқаллас

ЎЗБЕКОНА ФАЗИЛАТЛАР ЭГАСИ ЭДИ

"ХАЛҚИМИЗНИНГ ардоқли фарзанди", Ўзбекистон халқ ёзувчиси Шуҳрат (Ғулом Алиев) таъалуидининг 90 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Миллий университети маданият саройига тўпланган адабиётимиз даргалари, жонқуралари, илҳомсанждлари томонидан ана шундай таъриф сўзлари янгради.

Босиб ўтган ҳаёт йўлининг ўзи улкан бир китоб бўлган ёзувчи Шуҳрат яратган асарларни шу умр китобининг ҳар бири олтинга тенг, жавоҳирларга тўла уммонга қиёс боларига менгааш мум-

кин. Бу болларни бир-бир ўқиб чиққан киши "Меҳор"даги масъумлик, "Шинелли йиллар"нинг оғир юкни, "Олтин зангалас"даги монотоннинг ширин мевасини, "Жаннат қидирганлар"нинг

(Давоми 4-бетда).

ҚАДРИЯТЛАР НАМОЙИШИ

ПОЙТАХТИМИЗДАГИ "Наврўз" мажмуасида мамлакатимизда она ва бола саломатлигини асраш, оилалар мустақиллигини таъминлаш борасида амалга ошириляётган ишлар ҳамда тўй ва бошқа миллий маросиларимизнинг ўзига хос хусусиятлари ақс этган кўргазма очилди.

Уч кун давом этадиган мазкур кўргазмадан мамлакатимизда ўшбу йўналишда амалга ошириляётган ишлар самаралари ақс этган турли наърлар, тўй либослари ва ўшбу йўналишда хизмат кўрсатишга ихтисослашган етакчи фирмаларнинг фаолиятига оид лавҳаларга кенг ўрин ажратилган.

Бошланган режали ишлар ўз самарасини берапти. Чунки, ўтган йили ангрелик кўмирчилар ёнилги қазиб олишни кўпайтиришга салмоқли хисса қўшдилар. Тармоқ бўйича тайёрланган умумий кўмир ҳажми 3 миллион 272,9 минг тоннага етди ёки 15 фоиз ўсишга эришилди. Шу билан бир йўла фойдали маъдан – каолин қазиб олишда ҳам юксалиш кўзга ташланди.

Эришилган ютуқлар корхонада бошланган ишлаб чиқаришни модернизациялаш тадбирларини жадал ва изчил давом эттириш имконини берди. Масалан, 2007 йилнинг ўзига янги ускуналар харид қилишга 8,5 миллиард сум маблағ ажратилди ва жумладан, 5 та "БелАЗ", 26 та "КрАЗ" русумли кучли ағдарма юк машиналари, 5 та трактор, 4 та бульдозер, тепловоз, автокўлакчи ва бошқа замонавий техника воситалари сотиб олинди.

Кўлга киритилган янги ускуна ва техникалар кон очиб ишларини изчил давом эттиришда кўл келмоқда. Улар ёрдамида жами 15 миллион 397,7 минг куб метрли тўпроқ ишлари бажарилди.

– Республика кўмир тармоғини янада ривожлантириш дастури "Ангрен" разрезини ҳамда унинг таркибидagi ёрдамчи бўлиналари техник жиҳатдан қайта қурилантиришдан иборат бир неча босқичли ўз ичига олади, – дейди "Ўзбеккўмир" очик акциядорлик жамияти бош директори Хамроқул Хурсанов. – Уларни тўла амалга ошириш 2012 йилга бориб йилга кўмир қазиб олишни 8 миллион 330 минг тоннага етказиш ва энг муҳими, кўлаб табиий газни тежаб қолиш имконини беради. Биз ҳозир етакчи хорижий фирмалар билан энг янги ускуна ҳамда замонавий технологияларни сотиб олиш юзасидан фаол музокаралар олиб бормоқдамиз.

Раҳбарнинг гапига қўшимча қилиб шуни айтиш мумкинки, республика Вазирилар Маҳкамасининг "Ўзбеккўмир" ОАЖ тузилмаларини такомиллаштириш ва 2002-2010 йилларда кўмир сано-

(Давоми. Боши 1-бетда).

тини ривожлантириш дастурини амалга ошириш тўғрисида"ги қарори асосида бундан беш йил аввал разрезда замонавий ротор мажмуаси ишга туширилган.

Ўзбек-герман қўшама лойиҳасини амалга ошириш кончиларга моддий сарф-харажатларни камайтириш, кон очиб ишларини кенгайтириш ва кўмир қазиб олиш ҳажмини кескин кўпайтириш, маҳсулотнинг рақобатбардошлигини ошириш имконини беради. Шу билан бир вақтда экологик ҳолат яхшиланиди, ҳавога чиқариладиган зарарли газлар ва портлатиш ишлари жараёнида чанг-тўзон кўтарилиши камайтирилади.

Шунингдек, ривожлантиришнинг ҳозирги босқичида мамлакатнинг энергетика мажмуаси тизимдаги кўмир тармоғи тўтган ўринни мустаҳкамлашда импорт ўринини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга йўналтирилган ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини самарали амалга оширишга асосий эътибор қаратмоқда. Яъни кон-транспорт воситаларини таъмирлаш заводида қувоҳ цехини куриш режалаштирилмоқда. Бу ерда кон-транспорт ва бошқа ускуналарнинг узеллари ҳамда эҳтиёт қисмлари тайёрланади. Шунингдек, йўл-йўлакчи қазиб

олинаётган оҳак ҳамда рангдор каолиндан самарали фойдаланиш назарда тутилмоқда.

– Бирок, кўмир тармоғи корхонаси ҳар қанча янги технология ва ускуналарга эга бўлмасин, фақат одамлар, яъни мутахассислардан иборат жиқлашган, ўзининг кўп йиллик ажойиб аёнчалари ва бой иш тажрибасига эга бўлган жамоа муваффақиятларини таъминлашнинг асосий омилли бўлиб қолаверади, – дейди "Ангрен" разрезини директори Владимир Боднар. – Корхонамиз ташкил этилгандан буён ўтган 60 йил ичида кўлаб кончилар сулоалари етишиб чиқди. Ҳозир бу

ерда корхонага тамал тошини қўйганларнинг неваро ва эваралари меҳнат қилишяпти. Маъмуриятнинг биринчи галдаги вазифаси ана шу анъанани сақлаб қолиш, кўчатириш, жамоанинг ҳар бир аъзоси учун барча қўлай шарт-шароит ва имкониятларни яратиш беришдан иборатдир.

Бу фикрга қўшилмасликнинг иложи йўқ. Эеро, гап инсон омилли ҳақида бормоқда. Шуниси диққатга сазоворки, "Ўзбеккўмир" ОАЖ ва жумладан, "Ангрен" разрезини маъмурияти касба уюшмаси кўмитаси билан ҳамкорликда мутахассисларнинг меҳнат ва дам олиш ҳамда турмуш шароитларини яхшилаш учун бор имкониятларни ишга солимоқда.

Ижтимоий ҳимоя чора-тадбирларини амалга оширишда дам олиш уйлари ва санаторийларга йўланмалар ажратиш, кўп болали оилаларни моддий кўлаб-қувватлаш, разрез ходимларининг олий ўқув юртида ўқийётган фарзандларининг шартнома пулларини тўлаш каби саховат ишларига алоҳида эътибор берилди. Айниқса, корхонада ишлаб, қариллик пенсиясига чиққан меҳнат фахрийларига эҳтиром кўрсатилиб, моддий ва маънавий кўлаб-қувватлашдан ташқари улар учун махсус концерт дастурлари ва бошқа кўнгулочар тадбирлар ташкил этилади. Байрамларда дастурхон эътибор, қимматбаҳо эсдалик совғалари улашди.

– Бундай самимий ва беминнат раҳматкорликнинг қадрини ошириб, руҳини кўтариб, кўп йиллик тажрибани ёшларга ўргатиш давом эттиришга ундайди, – дейди экскаватор машинисти Виктор Телегин.

Корхонада меҳнат қилаётган кўлаб тажрибали мутахассислар ҳам шундай қайфиятда. Демак, ҳеч шубҳасиз айтиш мумкинки, мамлакатнинг кўмирга бўлган эҳтиёжи бугун ҳам, эртага ва истиқболда ҳам, албатта, қондирилади.

«Ўзбеккўмир» ОАЖ матбуот хизмати маълумотлари асосида тайёрланди.



ТОПГАН-ТУТГАНИ МЕҲНАТ ДАН

ТАБАРРУК Ёшида ҳам ғайрати жўш уриб, эл-юрт хизматига қамарбаста бўлиб келётганлар кўп. Одамларга яхшилик, эзгулик улашиб яшаш иштиғи уларнинг кўзига нур, белига қувват бахш этиб турса ажабмас. Қарий қирқ йилдан буён Келес автокорхонасида самарали меҳнат қилиб келётган Жўра Хўжаев ана шундай тиниб-тинчимас, саҳматкаш инсонлардан.

Камтарга камол, деб ҳалқимиз бежиз айтмаган. Жўра Хўжаев ҳаётда камсукум, камтарлиги билан одамларнинг юрагидан жой олди.

Отакон бўш қолди дегунча, босиб ўтган умр дафтари хавдан варақлайди. Мактабни битиргани, биринчи ишга тушган ўсириллик йилларини завқ билан эслади. Дастлаб етти йиллик, кейин ўн йиллик мактабни тамомлади. Уч йил армия сафида бўлди. Хизматдан ҳайдовчилик гувоҳномаси билан қайтган, ҳеч иккиланмай Сариевон автокорхонасида ҳайдовчи бўлиб ишлаш бошлади.

Жўра Хўжаев 1969 йилдан шу кунга қадар Тошкент туманидаги Келес автокорхонасида механик, навбатчи-механик, бўлим бошлиғи вазифаларида фаолият кўрсатди. Автокорхонада у киши томонидан ҳар қандай ҳафсизлиги бўйича мунтазам тушунтириш ишлари олиб бориладиган туфайли ҳайдовчилар ўртасида содир бўлиб турган автоўқнашувлар кескин камайтиди. Бу борада Жўра ака кўпчиликка ўрнак бўлди, ўнлаб ёшларга устозлик қилди.

Автосарой раҳбарияти билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган навбатдаги режа ҳайдовчиларнинг малакасини оширишда муҳим қўланма бўлди, десак шубҳа бўлмайди. Бу режа-топшиқ йилдаги бошқа автосаройларда ҳам ишлаб чиқилиб, татбиқ этиб келинмоқда.

Автокорхона жамоаси Жўра Хўжаевни касба уюшмаси раиси этиб сайлади. У

ўзига билдирилган бу ишончнинг бир неча йиллардан буён оқлаб келмоқда.

Касба уюшмаси раиси сифатида иш бошлаган, биринчи навбатда ходимлар ва автокорхона раҳбарияти ўртасида бўлиб турадиган келишмовчиликлар барҳам топти. Ходимларга махсус кийим-кечак, уй-жой масаласида ёрдам кўрсатилди. Шу туфайли автосаройда маънавий муҳит барқарорлашиб, ходимлар ишлаши учун қўлай шарт-шароит мўҳайи этилди.

Яна бир ибратли аёнча – фахрийларнинг ҳолидан мунтазам хабар олиб туриш йўлга қўйилди. Автокорхонада ҳар бир катта-кичик тадбир фахрийлар иштирокисиз ўтмайди. Жумладан, шу йилги Нарўз байрами, Хотира ва қадрлаш кўни фахрийларга алоҳида иззат-икром кўрсатилди.

– Жўра Хўжаев ҳалол меҳнатдан бахт топган инсон, – дейди Келес автокорхонаси раҳбари Мирзатилла Бўтибаев. – Автокорхонада келатган келатган, жамоанинг жипслаши, бир тан, бир жон бўлиб шаклланишида, кўлга киритилган ва киритилмаётган катта-кичик ютуқларда Жўра Обидовичнинг хизмати катта. У киши тарбиялаб, вояга етказган шогирдларнинг қўлиги кишида ҳавас уйғотади. Бугун Афзал Рустамов, Фарҳод Қурбониев, Муҳиддин Турсунқўлиев каби, шу тизимда самарали хизмат қилаётган мутахассислар устозлари изидан бориб, эл-юрт дуосини олаётирлар.

Мурод ТИЛЛАЕВ.

«Ўзбеккўмир»: Ёқилғи уч барабар Кўпаяди



КЕЛАЖАК БУЎЁДКОРЛАРИ АНЖУМАНИ

ОҲАНГАРОН шахар машиини хизмат касб-ҳунари коллежиди "Ёшлар – буюк келажак бунёдкор" ширини остида оммавий анжуман ўтказилди.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг шахар кенгаши ташкил этган бу тадбирда "Ишбилармон ўқувчи" кўрик-танловни голиблири, хунарманд ёшлар, коллеж ўқувчилари иштирок этишди.

Анжуман ёш тадбиркорлар ишлаб чиқарган ва тайёрлаган маҳсулотлар кўргазмасининг очилиши билан бошланди. Шундан сўнг, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, партия фаоллари ва ҳокимлик ходимлари йигит-қизлар билан урчашди. Ёшларнинг манфаатларини таъминлаш ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган ҳуқуқий-меъриий базани такомиллаштириш, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ислохотларда улар манфаатларининг ақс этиши масалалари ҳусусида сўз юритилди. Чунки, қисқа муддатда 8 ёш оила имтиёзли кредит асосида ўз уй-жойига эга бўлди. Партиянинг фаол аъзолари йил охиригача юзга яқин ёш оилани шинам уй-жой билан таъминлаш ҳаракатида эканлиги алоҳида таъкидланди. Иштирокчилар маҳалла соғломлаштириш маскани ва айрим ёш оилаларнинг турмуш шароитлари билан танишишди.

Юсуф ЖУМАЕВ.

ЧИРЧИҚДАГИ полиэтилен ва полипропилен плёнкаларидан эгилувчан идишлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган "БРИЗ" масъулияти чекланган жамияти янги технологияларни жалб этиш ҳисобига экспортга маҳсулот бера бошлади.

"БРИЗ" МАҲСУЛОТИ ЭКСПОРТГА

Корхонада маҳаллий хом ашё базаси ҳам мустаҳкамланмоқда. Бу эса ички бозорда импорт ҳажмининг камайишига, маҳсулот турининг орттишига, шунингдек, янги иш ўринларининг яратилишига кўмаклашмоқда.

Мунаввара ИСОҚУЛОВА.

БИР МАВЗУДА ИККИ ТАДБИР

ТОШКЕНТДА дастурий маҳсулотларга ихтисослаштирилган махсус иккинчи – "Best Soft – Uzbekistan 2008" кўргазмаси ҳамда дастурчилар миллий форуми ўз ишнини якунлади. Мазкур тадбир Ўзбекистон ахборот технологиялари корхона ва ташкилотлари асосидаги агентлиги кўмағида ташкил этилди.

Бундан қўзланган асосий мақсад, ахборот технологияларининг ривожини юқори босқичга олиб чиқиш, бундан янги технологияларни кенг оммага таништириш, дастурий таъминот соҳасидаги лойиҳаларни амалга

оширишдир. 200 дан зиёд хорижий ва маҳаллий компаниялар мазкур нуфузли тадбирда иштирок этиш истагини билдирган.

Аҳамиятли томон шундаки, Оҳангарон шаҳридаги "USD Micros" корхонаси ҳам

ГЕНДЕР МАСАЛАСИГА БАҒИШЛАНДИ

ТОШКЕНТ шаҳрида БМТнинг Тараққиёт дастури ва Республика Хотин-қизлар кўмитаси ҳамкорлигидаги лойиҳа доирасида тиббиёт ва ижтимоий соҳа ходимлари иштирокида гендер масалаларига бағишланган тренинг бўлиб ўтди.

Лойиҳа доирасидаги тиббиёт ва ижтимоий соҳа ходимларининг гендер тенглиги борасидаги билимларини оширишга қаратилган ушбу тренингдан қўзланган мақсад аёллар ҳуқуқлари камситилишининг барча кўришиларига барҳам бериш тўғрисидаги (CEDAW) БМТ конвенциясини кенгроқ тарғиб этишдан иборатдир.

Таъкидлаш лозимки, CEDAW конвенцияси 1979 йилда БМТ томонидан қабул қилинган бўлиб, хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган ҳалқаро ҳужжат ҳисобланади. Ўзбекистон эса бу конвенцияга Марказий Осиё давлатлари орасида биринчи бўлиб, 1995 йилда қўшилган эди.

Лойиҳа Ўзбекистонда хотин-қизларнинг жамият ва ишлаб чиқаришдаги ўрнини янада ошириш, уларда ўзига бўлган ишончнинг мустаҳкамлаш ва гендер тенглигини кенг омма орасида тарғиб қилишга хизмат қилади.

«Туркистон-пресс».

Тадбиркорлик

КИЧИК БИЗНЕС БУГУН ВА ИСТИҚБОЛДА

Яна бир муҳим жиҳат хизмат кўрсатиш ва сервис тармоқларида кичик бизнес корхоналарининг ривожланиб бораётганлиғидир. Ҳозирги пайтда уларнинг пулли хизматлари ҳажмидаги улуши 52,9 фоизга етди. Бу соҳадаги ўсиш суръати ўтган йилга нисбатан 11,4 фоизга ошди.

Кичик бизнес корхоналари маҳсулотларининг сифати кўтарилиб, жаҳон бозориди рақобатга бардошлилиги ортиб борапти. Улар хорижга тобора кўпроқ маҳсулот сотаяпти. Чунки, бу тоифа корхоналар дастлабки уч ойда 27,6 миллион доллар микродорида маҳсулотни экспорт қилди. Унинг умумий экспорт ҳажмидаги улуши деярли 9 фоизга етди.

Афсуски, барча шахар ва туманларда ҳам кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорликни ривожлантиришга эътибор бериб келмади. Бор имкониятларни ишга солиш борасида айрим мутаассадилар етар-

ли даражада ишчанлик ва ғайрат кўрсатмаётирлар. Ақс ҳолда санаот маҳсулоти ҳажмида кичик бизнеснинг улуши тўрт шахар ва туманда ўтган йилга нисбатан камайиб кетганлигини қандай изоҳлаш мумкин?

Фаолият кўрсатмаётган корхоналар кўп бўлган шахар ва туманлар ҳам йўқ эмас. Чунки, Уртачирчиқ туманида 37,8, Куйичирчиқ туманида 59,3, Зангиота туманида 23,4 фоиз шундай корхоналар ҳаракатсиз турипти.

Ҳолбуки, уларни ишга тушириб юбориш, янгиликларни ташкил этиш, мавжудларнинг ишлаб чиқариш қувватини ошириш, пулли ва сервис хизматларини ривожлантириш орқалигина йиллик режа ва дастурий вазифаларни муваффақиятли бажариш мумкин. Буни ҳамиша ёдда тутиш, мавжуд имкониятларни ишга солиш зарур. Шундагина давлатимиз раҳбари Вазирилар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида белгилаб берган вазифаларни удрда-лашга эришилади. Бунинг учун шў йилиёқ кичик биз-

несс ва ҳусусий тадбиркорликнинг вилоят ялли худудий маҳсулотидидаги улушини 47,9, экспортдаги улушини 15,6 фоизга етказиш керак.

Бу йил вилоятда янгидан 5903 та кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорлик корхоналарини ташкил этиш мўлжалланмоқда. Айниқса, Бекобод, Бўка, Оққўрғон, Куйичирчиқ ва Пскент туманларида бу ишга эътиборни қўнайтирмоқ лозим бўлади. Айни пайтда кредит маблағларини кўпроқ қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи технологияларни олиб кириш, кичик бизнес корхоналари техник-технологик негизини янгилаш ва замонавийлаштириш, йирик санаот корхоналари билан кичик корхоналар ўртасидаги кооперацияни ривожлантиришга эътибор қўнайтирилиши лозим.

Яна бир муҳим жиҳатни эътибордан қолдирмастик кераккигина давр талаб қилмоқда. Бу вилоятда ишлаб чиқарилаётган монопол маҳсулотлар билан рақобатлаша оладиган сифатли, юқори технологик маҳсулотлар иш-



Тараққу



ҲОЗИРЛИК ПУХТА

ҚИБРАЙ тумани «Машина-трактор парки» ҳисдорлик жамияти аъзолари галла ўрими мавсумида пухта тайёрлаш кўрмоқдалар. Мақсад – мавсумни қисқа муддатда якунлашда фермер ҳўжаликларига кўмаклашидир.

– Барча ўрими агрегатларимиз, шу жумладан, юқори умм билан ишловчи утча «Кейс» комбайнимиз бир сидра техник қўриқдан ўтказилди, – дейди бosh мўҳандис Қаюм Шукўров. – Улар мавсумда бeтўхташ ва юқори суратда ишлаши учун зарур эҳтиёт қисмлар, ёқилғи-мойлаш ашёлари захирасини тўлдираяпмиз. Шунингдек, техникаларга бевосита галлазорларнинг ўзига сифатли техник хизмат кўрсатадиган ишчи гуруҳлар ҳам ташкил қилинапти.

СУРАТДА: оператор Шўҳрат Йўллошев.

Еркебой БОТИРОВ олган сурат.

ҚИШЛОҚҚА ЯНГИ КОММУТАТОР

ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ мобайл филиали тармоғида сервис хизматини ривожлантириш, дилерлик, интернет ва сўзлашув шахобчаларини ташкиллаштириш борасида кенг қўламли тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу йилнинг биринчи чорағида филиал ўзининг биллинг тизимини тубдан янгилашга ҳам эришди. Бу эса тезкор хизмат кўрсатиш, турли тариф режаларини тақлиф этиш, шунингдек, имтиёзли реклама акцияларини ўтказиш учун мустаҳкам негиз яратди.

"Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси кўмағида республика бўйича жами 22 та "CDMA-450" русумли база станцияси ишга туширилди. Жумладан, вилоятимизнинг Бекобод, Қибрай, Оққўрғон, Паркент каби туманларида бундай база станцияларидан 8 таси ўрнатилди. Натигада қўпгина қўшимча коммуторлар фойдаланишга топширилди.

Ақбар АЛИЕВ.

01 оғоҳлантиради

ҒАЛЛАНИ ЁНҒИНДАН АСРАЙЛИК

Ғаллакорларнинг зарбдор меҳнати туфайли вилоят далаларида мўл ҳосил етиштирилмоқда. Эндиги асосий вазифа уни нест-нобуд қилмай ўриб-йигиб олишдан иборат.

Донни етиштириш қанчалик муҳим бўлса, уни турли табиий офатлардан, жумладан, ёнғиндан сақлаш ҳам шунчалик муҳимдир.

Айрим кишиларнинг лоқайдлиги, ўз вазифасига масъулиятсизлиги туфайли галлазорларда ёнғин чиқиб ва оқибатда қанчадан-қанча халқ ризқ-рўзи бўлган дон қўлга айлиб қолиши ҳеч гап эмас.

Шунинг учун, авваламбор, ҳўжалик раҳбарларининг кўрсатмаларини асосида техник воситалар ёнғинга қарши тайёрланиши, ўрими-йи-

гим мавсумида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш учун жавобгар шахсларни тайинлаш, галла майдонларини қўриқлаш учун кузатувчилар ажратилиши керак.

Трактор, комбайн ҳайдовчилари, уларнинг ёрдамчилари ва бошқа механизаторлар, йғим-теримга жалб қилинган маъсўл ходимлар ёнғинга қарши махсус йўриқномадан ўтишлари шарт. Уқитилмаган ходимларнинг ўрими-йғим ишларида қатнашиши тақиқланади.

Автомобиль ва темир йўллар ёқаларидаги галла ўриб олиниб, 4 метрдан кам бўлмаган кенгликда шўдгорланмиш зарур. Ғаллакорларнинг вақтинчалик дам олиш, овқатланиш жойлари галлазорлардан камида 100 метр

четда бўлиб, атрофи 4 метр кенликда шўдгорланади ва бу ерда чекиш учун махсус жой ажратилиб, "Чекиш жойи" деган лавҳа ёзиб қўйилади. Бўғдойзорлар яқинида чекиш, оловдан фойдаланиш, техникани таъмирлаш қатъият ман этилади. Бўғдойни қуриштириш, вақтинчалик сақлаш хирмонлари ва томборлари галлазорлардан 100 метр, бошқа бино ва қурилмалардан эса, 50 метр узоқликда бўлади. Уларнинг атрофи куруқ ўтлардан тозаланиб, 4 метр кенликда шўдгорланади ва кимёвий ўт учирғи воситалари, сув ва чалак билан таъминланади. Комбайн, трактор ва бошқа транспорт воситаларига ёқилғи қўйиш учун махсус автоуловлардан фойдаланилади. Ёқилғи қўйиш пайтларида двига-

теллар ўчирилган бўлиши шарт. Дам олиш пайтларида комбайнларни галлазорларда қолдириш мумкин эмас. Улар галлазорлардан 30 метр четга олиб чиқилиши ва махсус тайёрланган майдонга қўйилиши керак. Урим мавсумида кузатувчи навбатчилар тайинланади, дала шийпонлари ёнғин ҳақида хабар бeрyвyчи воситалар (сирена, сигнал ёки темир парчалари) билан таъминланади.

Донимиз – номимиз, деб бежиз айтилмаган. Унинг нобуд бўлмаслиги учун юқорида айтиб ўтилган хавфсизлик қоидаларига тўлиқ риоя қилиш талаб этилади.

Барно СОДИҚОВА, вилоят ёнғин хавфсизлиги бошқармаси ноэири.

Хотира – муқаллас

ЎЗБЕКОНА ФАЗИЛАТЛАР ЭГАСИ ЭДИ

– Ёзувчи Шухрат тимсо-
лида, – деди Ўзбекистон
Қаҳрамони Абдулла Ори-
пов, – халқимизнинг улуг
инсоний фазилатлари му-
жассамлигини кўриш мум-
кин. Устозимизнинг ўз эли,
юртига муҳаббати, садоқ-
ати беқиёс эди.

Ҳаётнинг аёвсиз синов-
ларига ана шу улуг муҳаб-
бат туфайли дош беролган,
муносиб ижодий мерос
қолдирган бўлса не ажаб.

Шухратнинг ҳаёт ва ижо-
ди ҳақида сўзлаган фило-
логия фанлари доктори,
профессор Умарали Нор-
матов, атоқли адиблар –
Ўзбекистон халқ ёзувчилари
Одил Ёқубов, Пиримкул
Қодиров, Ўзбекистон халқ
шоири Шухрилло, шогир-
длари номидан дил сўзла-
рини баён этган шоира Ой-
дин Ҳожиёвнинг самимий
дил ихорлари халқимиз-
нинг севиқли фарзанди,

эл-юрт, Ватан олдидаги
буюк хизматлари билан
ўзига муносиб ҳайкал
ўрнатган ёзувчининг ёрқин
сиймосига бўлган чуқур
хурмат ва эҳтиромдан да-
рак беради. Одамларга,
дўстларига сифошларига,
шогирдларига меҳр-оқи-
батли, бағрикенг, шoir
Шухрилло таъбири билан
айтганда, ишонса бўлади-
ган ҳалол, пок виждонли
инсон Шухратни миллат
ғурури, фаҳри дея эъзо-
лашга ҳаққимиз. Ҳассос
шoir, моҳир романист,
том маънода етуқ ижодкор-
нинг инсонийлик фазилат-
ларидан баҳраманд бўлиб
вояга етган фарзандлари
эса, бугун эл-юрт хизмати-
да. Яхшидан қолган бог-
нинг ширин-ширин мева-
ларидан келгуси авлодлар
ҳам баҳраманд бўлиши шуб-
ҳасиз.

Сайёра РИХСИЕВА,
«Тошкент ҳақиқати»
муҳбири.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Биласизми?

Печенье тўлдирилган энг
катта қути 2001 йилда Ка-
надада тайёрланди. Идиш
баландлиги 3,22 метр, кенг-
лиги 114,3 сантиметр
бўлган. Унга 100152 дона
печенье жойланган.

Осиёдаги энг аҳолиси кўп
шаҳар Токиодир. БМТ маъ-
мулотларига кўра, 2000 йил-
да бу ерда 26,4 миллион
киши истиқомат қилган.

Тез ўқийдиган одамнинг
кўзи секин ўқийдиган киши-
ниги қараганда камроқ
чарчайди.

Одамларнинг 95 фоизи
секин ўқийди – минутага
180-220 та сўз (1,5-2
минут ичда бир бет матн).

Француз императори На-
полеон минутага икки минг-
та сўзни ўқий олган.

Ёзувчи Бальзак эса икки
юз арақли романини ярим
соат ичда ўқиб чиққан.

Буюк саркарда Александр
Македонский 30 мингта ас-
карининг исмини ёдда сақ-
лаган.

Археолог Р. Шилман ўз
хотирасини мунтазам машқ
қилдириш орқали ҳар 6-8
ҳафтада янги хорж тилини
ўрганишга эришган.

Хозир дунёдаги 580 мил-
лиондан ортиқ одам Интер-
нетдан фойдаланади. Бу
рақам йилга тўрт фоизга
ортиб бормоқда.

Ҳар йилга бошлангич
бири доктор белгилаган кун-
да туғилади.

Кўп одамлар 60 ёшга ет-
ганларидан таям бўлиш қўби-
лятининг эллик фоизини
йўқотишади.

Миямизнинг 80 фоизи
сувдан иборат.

Инсон бошининг ўртача
оғирлиги 3,6 килограмм.

Инсон танасида юз три-
лионга ҳужайра бўлиб, улар-
нинг атиги ўндан биринга
одам ҳужайрасидир. Қолган-
лари эса микроблардир.

Одам асаб тизмини тарқа-
тадиган сигналнинг тезли-
ги соатига 288 километр-
га тенг.

Одам баданидаги тирик
организмлар сони ер юзи
аҳолисидан кўпроқ.

Киши ҳаёти давомида
ажратадиган сўлак билан
иккита бассейни тўлдирши
мумкин.

70 килограмм оғирликда-
ги одам танасида 150-180
грамм ош тузи бўлади.

Файзулла АБДУЛЛАЕВ
тўплаган.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассиси:
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Хафтанинг chorshanba ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-440. Адади 8907. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қозғоқ бичими А-2.

Белгилі материаллар – тижорат материаллари. «Шарқ» нашриёт-матбаа ашхидорлик компанияси босмоҳонасида босилди. Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 22.50. 1 2 3 4 6 7 8

ТОШКЕНТДА 1966 йилги апрель zilzilasi юз берган оғир кунлар эди. Ҳа ҳазилари мен ҳозирги Миллий университетда таҳсил олар, кундузи эса, Собир Раҳимов туманидаги ҳинд тилига ихтисослашган 24-мактабда етакчи лавозимда ишлаб, 5-7-синфларга мусиқадан сабоқ берадим. Шу боис мактабда ўтказиладиган турли тадбирларга бош-қош бўлишга тўғри келарди.

ШУҲРАТ ДОМЛАНИНГ СЕВИНЧ ЁШЛАРИ

Кунларнинг бирида мактабимиз директори Карим Расулов мени хоналарига чақириб:
– Ёзувчи Шухратни биласиз-а? – дедилар.
– Албатта домла, – дедим. – Яқинда «Олтин зангламас» асарини ҳам ўқиб чикдим.
– Бўлмаса, гап бундай. Шу ёзувчи менинг дўстим бўлади. Мактабда Шухрат домла билан учрашув ўтказамиз.
Карим ака менга Шухрат домла-нинг манзилини бериб, ўзлари билан учрашув бўладиган кунни аниқ келишиб келинг, дедилар.
Мактабда бўладиган учрашувга таклиф қилиб келганимни эшитиб, Шухрат домла хурсанд бўлиб кетдилар. Учрашувга домланинг «Олтин зангламас» романидан парчалар саҳналаштиришни режалаштирдик. Тадбирга икки-уч кун қолганда ўқитувчилар, журналист Хамидулла Йўлдошев, Фафур Азимов каби ада-

биёт фани вакиллари таклиф қилиб, тайёрлаган томошаларимиз-
ни кўрсатиб олдик. Уларга ҳам ман-
зур бўлди, чоғи, яхши баҳо бериш-
ди.
Ниҳоят, ҳаяжонли учрашув онла-
ри етиб келди. Мактаб зали юқори
синф ўқувчилари, ўқитувчилар билан
тўлган, бўш жой йўқ. Карим ака Шух-
рат домла билан бошлаб, залга кирган-
ларида гулдурас қарсақлар билан
кутиб олиши. Тадбир аввалда Шух-
рат домланинг ҳаёт йўли, ижодий фа-
олияти ҳақида сўз борди, шoirнинг
қатор шеърларидан намуналар
ўқилди.
Сўнг пардалар очилиб, саҳнада
ота ва қиз пайдо бўлди. Отанинг ўз
қизини уйдан хайдаш лавҳаси на-
моиш этилди. Мунгли янграётган
«Чўли ироқ» куйи ҳам ота хрлатига
ҳамоҳанг эди.
Мен саҳна чеккасида туриб, зал-
га, Шухрат домлага, Карим ака,
Хамидулла ака ва бошқа ўқитувчи-



Раҳимжон ОРИПОВ.

Ватан ҳақида икки шеър БАТАН

Охуларга саҳролар макон,
Қуш уяси қушгадир оиён.
Ҳар кимга ўз юрти бепойё,
Осмон каби каттасан, Ватан.

Ким Ватансиз – унга шон йўқдир,
Бахти кулган бирор тонг йўқдир.
Сенга сапоқ, сенга сон йўқдир –
Сен манзуга биттасан, Ватан.

Осмонимда офтобсан ўчмас,
Илло сени зулумат қўчмас.
Тошда достон – емрилмас, кўчмас –
Тарихдасан, хатидасан, Ватан.

Паймон-аҳдлар бўлғуси унут,
Минг бир бахтлар бўлғуси унут.
Тоғжу тахтлар бўлғуси унут –
Лек сен манзуга ёддасан, Ватан.

Қуёш билан ҳар кун юзма-юз,
Зий сочиб кечаю кундуз.
Ой бағрида ўн икки юлдуз –
Порлаб турган шодасан, Ватан.

Мен қарздорман нонинг, тузингдан,
Айлинилар кетай ўзингдан,
Кел, ўпайин лўппи юзингдан –
Онам каби соддасан, Ватан!

ИККИНЧИ КЎРГАЗМА

Пойтахтимизда "Тас-
вир. Нур. Овоз – 2008" ки-
нематография, овоз ёзиш
ва телерадио узатиш со-
ҳасидаги жиҳозлар ва
хизматларга ихтисос-
лашган иккинчи халқаро
кўргазма очилди.
Бу ерда юртимиздаги
давлат ва нодавлат киносто-
диялари, электрон оммавий
ахборот воситалари, кино-
театрларда фойдаланилаёт-
ган замонавий кино, видео,
овоз ёзиш техника ва тех-
нолологиялари билан тани-
шиш мумкин.

Ў.А.

ЖОНГА ҚОФИЯСАН

Қайта-қайта сени алқайман, Ватан!
Тулар рийшасини улайман тонга.
Ҳалакман янги сўз улаб қайтадан
Қофия қидириб Ўзбекистонга.
Сенга шеър битишининг ўзи хосият,
Сара ташбехларим сенга, бўстони.
Нонга қофиясан, шонга қофия –
Жонга қофиясан, Ўзбекистоним!

Нурали ЖАЛИЛ.
Бекобод тумани.

Tashabbus

QADIM-qadimdan xalqimiz shahar va qishloqlarimizda ko'rkam go'zal bog'lar yaratishga harakat qilganlar. Ulug' bobokolonimiz sohibqiron Amir Temur ham shaharlarda qurilishlardan tashqari Samarqand atrofida o'zining xesh qoddolariga atab ko'pgina go'zal bog'lar qurirdi.



Sohibqiron benazir aql-zakovati, mehnati ila Bog' i-dikusho, Bog' ichinor, Bog' i Eram, Bog' i Shamol kabi o'ndan ortiq tengi yo'q

Davlatimiz rahbari ayt-gandek, yaxshilikni har kim har kuni qilishi kerak. Shu maqsadda xayrli ish bosh-ladik. Bunda maktabimiz

UDUMLARGA SODIQLIK – AJDODLARGA SADOQAT

bog'lar barpo etishga bosh bo'lgan.
Yurtboshimiz poytaxt va boshqa shaharlarimiz chiro-yiga chirov, biri-biridan go'zal bunyodkorlik ishlariga bosh-qosh bo'lmog'dalar. Mustaqillik sharofati bilan bu sohaga e'tibor borgan sari kuchaymoqda. 2008 yilning Yoshlar yili deb e'lon qilinishi ham bejiz emas. Vatanimizning biz yoshlardan umidi katta. Yurtboshimiz, xalqimiz kutganidek, shu aziz Vatanimizning munosib farzandi bo'lish, hayotda o'z o'rnimizni topishimiz eng muhim burchimiz. O'zimizdan keyin shunday chiroyli bog'lar qoldiraylik-ki, kelajak avlod bizlardan minnatdor bo'lsin.

jamoasi va o'quvchilari erta bahordan ko'chat yetishtirdik. Bog'imizga 200 tup archa, 150 tup mevali va manzarali daraxt ekildi. Bunda maktabimiz rahbari V. Akromova, ma'naviyat-ma'rifat ishlari



bo'yicha direktor o'rinbosari N. Mamadaliyeva, qo'li gul mehnat ta'limi o'qituvchilari K. Kamolov, N. Eshmatov alohida o'rnak bo'lishdi. Yoshlar o'rtasida, ayniqsa, 8-9-sinf o'quvchilari har bir niholni sifatli ekip, par-varishlashga mehr bilan kirishdi.
Mehnatimiz zoye ketmadi, ko'rkam bog' yaratdik. Kuni kecha Qibray tumani hokimligi, xalq ta'limi bo'limi, xotin-qizlar ko'mitasi, Mat-qobulov nomidagi fuqarolar yig'ini va Do'rmon mahallasi faollari ishtirokida "Yoshlar bog'i" ning tanzil ochildish marosimi bo'lib o'tdi.
Tadbirda so'zga chiqqanlar tashabbusni qo'llab-quvvatlab, maktab, bog'cha kabi muassasalarni ham bunday xayrli ishni davom ettirishga chaqirdilar.
Barno YO'LDOSEVA,
Qibray tumani 6-maktab yetakchisi, boshlang'ich tashkilot raisi.

Ўйлаб топилмаган ҳикоялар

Бир воқеа ҳеч эсимдан чиқмай-
ди. Биз ҳамкасблар билан ижо-
дий сафарга чиқиб, беш кун бо-
байнида хушманзара, гўзал ки-
шлоқларни кездик, одамлар билан
қишқарли учрашувлар ўтказдик.
Ассий ишларимизни битиргач,
чекка то қишлоғига олиб чиқиш-
ди. Бизга Замира исмли ҳамкас-
бимиз ҳамроҳ бўлди. Бу қувноқ
опамиз асли шу ерлик, кўпдан
бери танийман.
– Бу томонларни ўзим айлан-
тирсам, сизлар билмийсиз-ла, –
деб, ёқимли талаффузи билан
хаммамизни роса кулдирди.
Сафар давомида опа гоҳ ўйин-
га тушиб, гоҳ кўшак айтиб, кўн-
глимизни олишга уринар, бир гапир-
миз ўн куларди. Ҳар хандон таш-
лаганида қулоғидаги олтин бал-
доқлари силкиниб-силкиниб ке-
тарди. Ўйин-қулги билан бўлиб,
қишлоққа кириб организмимизни ҳам
сезмамиз.
Тог манзараларига суқлиниб
қараймиз. Ҳаммаёқ кўм-кўк қир-
адир, узок-узокларда ям-яшил
ўрмон кўзга ташланади. Пастда,
дарактлар панасида тошдан-тош-
га урилиб, шовуллаб оқаётган сой
қандайдир сирли туюларди.
Дам олиш ўйини ёнлаб, пастга
тушамиз. Йўлимиздаги қалин ар-
чазорлар ажиб бир ҳид таратади.
Ниҳоят, сой бўйига тушидик. Сал-
қин шабада юзимизга урилди. Ёз
чилласи бўлишига қарамай, сув
жузда муздек. Қирғоққа ўрнатил-
ган сўралардан бирига жойлаш-
дик. Меҳмондорчилик бошланди.

Назаримда, меҳмоннинг хурмати-
ни жойига қўйишда бу қишлоқлик-
ларга етадигани йўқ, Мирзиёб дам
олдик...
– Энди, юрнглар, сизларни
антиқа жойга олиб бораман, –
деди Замира опа ниҳоят.
– У бизни «Сеҳрли булоқ» деб
таърифлаган томонга бошлади.
Ҳақиқатан ҳам булоқнинг таърифи
етти иккимга ёйилган.
мазали сув ичмаганман...
Автобуса чиқганимизда, ҳамма-
нинг руҳи тетик эди. Йўлга туш-
дик. Кўёш уфққа ёнбошлаган,
қир-адиларга шом чўқканди.
Шаҳарга яқинлаша деганимизда,
бирдан Замира опа безовталаниб
қолди. Нима гап деса, қулоғида-
ғи бир балдоқ қаердадир тушиб
қолган экан. Автобус тўхтади. Ҳам-
мамиз Замира опага қараймиз.

Унинг юзида боғи хушнудидан
асар ҳам қолмаган. Қулидаги ик-
кинчи балдоққа қараб:
– Ойимдан ёдгорлик эди, –
деди қуларига ёш олғудек бўлиб.
– Авлоддан авлодга ўтиб келаёт-
ган омонат эди. Энди нима қила-
ман?..
Ҳақиқатдан ҳам олтин балдоқ
бежирим, ноёб кўринарди. Нима
қилиш керак? Қаердан излаймиз
энди? Шу пайт бизни сафар даво-
мида қулидаги қичкина видеока-
мера билан суратга олиб юрган
Анваржон жонимизга оро кирди.
– Замира опа, ҳозир кўрамыз,
балдоғингиз қаерда тушиб қолган-
ини, – деди-да, камерадаги тас-
вирларни кўрсата бошлади. – Ка-
ранг, сой бўйида юрганимизда,
балдоқ қулоғингизда эди. Уйинга
тушган чоғингизда ҳам улар жойи-
да экан. – Мана энди булоққа

ошганда кириб келдик. Замира
опа манзилига етганда биз билан
хайрлашиб, автобусдан тушиб
қолдик. Ҳаммамизнинг хаёлимизда
бир гап, нима бўлса ҳам балдоқ
топилсин. Тонг билан Тошкентга
қайтишимиз керак...
Эрталаб ҳаммамиз сафар ан-
жомларимизни йиғштириб, йўлга
ҳозирлик кўра бошладик. Шу дам-
да ташқарида машина овози эш-
тилди. Нахотки, Замира опа бўлса!
Ҳа, кутганимиздек йўлакда опа
кўринди. Қўзлари олдингидек чак-
наб турарди. Демак, ҳаммаси жо-
йида.
– Янгилик борми?– биринчи
саволимиз шу бўлди.
– Албатта, – деди Замира опа
қувониб, – Эрталаб сахар туриб,
дадаси билан булоққа бордик. Не
кўз билан кўрайки, шундоқ хову-
зада мана «мен» деб балдоғим ту-
рибди. Биз борганимизда икки аёл
булоқдан сув оларди. Уларга
булган воқеани айтсақ, хайрон
қолишди. Аёллардан бири:
– Сиз ҳалол, покиза инсон
экансиз. Шунинг эвазига булоқ
балдоғингизни асраган. Бу ерга
ҳар соатда ўнлаб одамлар кела-
ди. Кечаси эса, прожекторлар
ёритиб туради. Агар молнингиз
ҳалол бўлмаганида аллақачон
кимдир олиб кетган бўларди, –
деди.
– Мана шунақани гаплар, – дея
мамнун жилмайди Замира опа.
Биз ҳам бу кенгфёъл аёлнинг
хурсандчилигига шерик бўлдик.

Ўлугбек ХАМРОҚУЛОВ.

БАЛДОҚ

Охангарон шаҳридаги
1-умумтаълим мактаби томо-
нидан 2004 йилда Қараев За-
фар Зокирович номига берил-
ган В № 1033791 рақамли ша-
ҳодатнома йўқолганлиги са-
бабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.
«НАВРЎ» боғдорчилик-узум-
чилик ширкати ўз номини
«SIYANIE I TONUS» боғдорчилик
узумчилик ширкати (БЎШ) деб
ўзгартирди ва «НАВРЎ»
(БЎШ)ни ҳуқуқий вориси этиб
тайинлашсини маълум қилади.
Юқоридаги туманидаги
10-умумтаълим мактаби томо-
нидан 2006 йилда Жумашева
Асида Насировна номига берил-
ган У № 0100793 рақамли
9-синфни битирганлиги
ҳақидаги шаҳодатнома йўқол-
ганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.
«Парвоз-Инвест» масъуля-
ти чекланган жамяти бош-
қаруви қорхонанинг барча де-
битор ва кредиторларига жа-
мият таъсисчилари умумий
йиғилишининг 2008 йил
15 майдаги № 07-сонли қаро-
рига асосан жамяят Устав
фонди 502 938 000 сўмдан 132
938 000 сўмга қамайтирилган-
лигини маълум қилади.
Тошкент вилояти ҳо-
кимлиги жамоаси Пар-
кент тумани ҳокими Аб-
дуқаҳор Азаматовга ба-
дари бузуқворни
АЗАМАТ отанинг
вафоти муносабати билан
чуқур ҳамдардлик
билдиради.

Тошкент вилояти
Матбуот ва ахборот бошқармасида
03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» тахририяти
компьютер марказида терилди ва
сахифаланди.

• Эълон ва билди-
рувлардаги факт
ҳамда далилларнинг
тўғрилиги учун ре-
лама ва эълон бе-
рувчилар масъулдир.